



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

1998 йил, 25 декабрь № 50 (330)

Сотувда нархи эркин

• Ранжнома

ЎЗИ БИЗДА ТЕЛЕФОН БОРМИ?..

Қишлоғимиз бундан йигирма йил олдин телефонлаштирилган эди. Биз телефон жиринглашига кўникиб, ана шу беминат дастур орқали ишларимизни бажаришга ўрганиб ҳам қолдик.

Мустақилликка бизга хизмат кўрсатаётган Пўлати алоқа бўлими коммутатори ёрдамида «09»орқали туман марказидаги давлат идоралари, ташкилот ҳамда корхоналар билан бемалол боғлана олар эдик. Истиқлолга эришгач, энди вилоят, республика ва чет эл билан гаплашишни орзу қилиб юрар эдик. Афсуски бундай бўлмади. Энди туманимиз маркази билан гаплашиш Пўлати алоқа бўлими коммутаторининг кайфиятига боғлиқ бўлиб қолди. Улар хоҳласа улаб беришади, хоҳлашмаса «линия заняты», «линияда ҳоким гаплашяпти» деган баҳонани рўқач қилиша-

ди. Ёмғир, қор ёққан, шамол бўлган кунлари телефон қилишни ўйламаса ҳам бўлади. Лекин улар телефон ҳақини ундиришда устаси фаранг.

Яқинда шифохона билан гаплашолмай кайфиятим бузилди. Ўйлаб қоламан, бизда ҳам телефон борми ўзи? Бор бўлса, қачон керакли жойлар билан бемалол боғлана оламиз? Ахир республикамиз мустақиллигининг саккизинчи йилида яшаймиз-ку?! Тўғри, республикамиз алоқа соҳасида ҳам жуда катта ютуқларга эришди. Нахотки мана шундай муваффақиятнинг бир учкуни Косон тумани, Пўлати алоқа бўлимига етиб келмасми...

Файзулла ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти
Косон тумани
Гувалак қишлоғидаги
«Офтобўй»
махалласининг раиси

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Тошкент электротехника Алоқа институтида «Валеология-соғлом турмуш тарзи ҳақидаги фандир» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ тиббиёт ходимлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассислари иштирок этдилар.

Анжуманда тиббиёт фанлари номзоди, Москвадаги Валеология ўқув маркази директори, Халқаро Балтика Педагогика Академиясининг муҳбир аъзоси Галина Васильевна Тьянова маъруза ўқиди. Ушбу маъруза йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Аъло ҲУСАНОВА

СПОРТЧИЛАР — ФАХРИМИЗ

Таиландда ўтган XIII Осиё ўйинлари тугагач, спортчиларимиз ёруғ юз билан жонажон Ўзбекистонга қайтишди.

Сув спортчи бўйича терма командамиз ўйинларда муваффақиятли катнашиб, кумуш медал соҳиби бўлишди. Команда сафида 1998 йили Тошкент электротехника Алоқа институтининг тугатган спорт устаси Е. Белов, баскетбол командаси сафида эса спорт усталигига номзод талабамиз Д. Попов иштирок этди.

Яқинда бўлиб ўтган Г. П. Майборода хотирасига бағишланган энгил атлетика бўйича мусобақада институтиимизнинг яна бир талабаси Д. Клипинин тўсиқлар оша югуришда фахрли тўртинчи ўринни эгаллади.

И. ҚОШБАХТИЕВ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси алоқа корхоналарида хизмат қилаётган ходимларнинг «Намунали оила» кўрик-танловини ўтказиш ҳақида»ги қарорига биноан мазкур тадбирнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

ЭЗГУЛИККА ОШНО КҮНГИЛЛАР

Тошкентнинг ҳашаматли «Туркистон» саройида вилоятлар ва компанияларaro беллашувларда голиб бўлган оила аъзолари — Тошкент вилоятидан Абдуқаҳор Расулов, Навоийдан Мухаммадқул Саидулов, Фарғонадан Мадаминжон Исмоилов, Абдуқодир Исоқов, Сирдарёдан Муртазоқул Кенжаев, Бухородан Зойир Максудовлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Мусобақада танловдан ташқари яна бир оила — андижонлик Абдумажид Нурматовлар оиласининг катнашиши беллашувларга янада жиддий тус берди.

Республика алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси Тоҳир Назаржонов раислигидаги ҳайрат аъзолари — агентлик юридик-ҳуқуқий бўлим бошлиғи Маъруф Тожибоев, агентлик почта бўлимининг етакчи мутахассиси Гулчехра Алимова, Тошкент электротехника Алоқа институти проrektори Саидрасул Сангинов, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссасдорлик жамияти бош директорининг ёрдамчиси Азлар Тўраев, республика «Оила» марказининг ходими Марям Азизова, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг маданият, спорт ишлари ва ижтимоий масалалар бўйича етакчи мутахассиси Наимажон Жабборовлар хар бир оиланинг чиқишларини диққат билан кузатиб, баҳолаб бордилар.

Мусобақаларни Ўзбекистон телевидениеси суҳандонлари Дилором Умарова ва Муслимбек Йўлдошевларнинг бошқарганликлари анжуманга янада файз киритди.

Кўрик-танлов низомига кў-

ра оилалар куйидаги бешта шарт бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар: 1. Оилани таништириш. 2. Оила ташрифи ва шажараси. 3. Билимдон оила (мазкур шартда оила соҳибининг касб маҳоратини намоён этувчи «Ўз касбининг устаси» танлови ҳам бор эди). 4. Амалий машғулотлар. 5. Бадий чикиш.

Бир қарашда унча қийин бўлмаган бу шартлар алоқачилардан чуқур тарихий, фалсафий, ҳуқуқий билимларни, миллий кадриятларимиз, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳунармандчилигимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва оила шажараси тарихини билишни, Ватан туйғусини изҳор қила олишни, оила бошлиғининг алоқачи сифатида кейинги йилларда алоқа хизмати соҳасида эришган ютуқлари, амалга оширилаётган ислохотлар, жорий этилаётган замонавий техника ва технологиянинг мазмун ҳамда моҳиятини таҳлил қила билишни, ниҳоят адабиёт, санъатдан яхшигина хабардор бўлган ҳолда кўшиқ, куй, ракс ёки саҳна асарлари ижросини намойиш эта олишни тақозо этарди.

Шуниси диққатга сазоворки, шартларни бажаришда бирон-бир ўхшашлик, бир-бирини қайтариш сезилмади. Оила аъзолари ўз дастурларини кўтаринки руҳ, юксак қобилият, чуқур билим, касб маҳорати ва бадийлик билан омукта қилган ҳолда бажардиларки, агар залда «Уздунробита», «Узмақом», «Коском», «Бузтел» каби Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг номлари акс эттирилган турли тасвирлар ва оила аъзоларига берилган саволлар ичида уларнинг алоқачи эканлигидан далолат берувчи иборалар бўлмаганида,

• 1998 йил — Оила йили

бу гаройиб мусобақа алоқачиларнинг эмас, балки оилавий фольклор дасталарининг беллашувларини эслатиши шубҳасиз эди.

Оилаларга барча шартлар бўйича берилган якуний баҳолар ҳисоблаб чиқилганида, 1-ўринни 319 балл билан Исоқовлар, 2-ўринни 317 балл билан Исмоиловлар, 3-ўринни 312 балл билан Кенжаевлар, 4-ўринни 301 балл билан Саидуловлар эгаллаганликлари маълум бўлди.

Шартларни бажариш ва баҳо бериш орасидаги танаффусларда республикада хизмат кўрсатган артист Сайёра Қозиева, Ўзбекистон телевидениесининг суҳандони Шухратжон Қаюмов, Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёкубовлар дилрабо кўшиқлар ижро этганларда «Туркистон» саҳнаси оилаларнинг ракс бўйича норасми беллашув майдонига айланиб кетди.

Тоҳир Назаржонов Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, республика алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси раҳбариятлари номидан барча оилаларга самимий истақлар билдириб, уларга қимматбаҳо совғаларни топширди. Ўзбекистонда алоқа соҳаси бўйича фаолият кўрсатаётган чет эл фирма, компания ва қўшма корхоналарнинг анжуманда иштирок этиб, ҳайрат ва ҳаяжонларини яширолмағи ўтирган вакиллари ҳам ўз совғаларини мамнуният билан топширдилар. Анжуманнинг энг ёш иштирокчилари Ситора Зоирова, Давронбек Исоқовлардан тортиб то энг кекса иштирокчи — Мухаммадқул Саидуловларга ҳам қимматбаҳо совғалар тўхфа этилди.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ,
«ХАВАР»нинг махсус муҳбири

ОЛАМДА НИМА ГАП?

- Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

си Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонламоқда.

• Муборак рамазон ойи бошланиши муносабати билан Ингушетия Президенти Руслан Аушев республикада алкоголь ичимликлар сотишни вақтинча тўхташиш тўғрисида фармон чиқарди. Фармонни бузишга уринувчилар маъмурий жазога тортилади. Фармонда кўрсатилишича, бу қарор мўмин-мусулмон диндорларнинг талаб-истакларини инобатга олиб қабул қилинган.

• Москвада Юрий Никулин музейи очилмоқда.

• Греция билан Хиндистон ўртасида «Ўзаро тушуниш» деб аталган битим имзоланди. У мудофаа, илмий-амалий тадқиқотлар, ўзаро ҳарбий ҳамкорлик қилиш мақсадларини ўз ичига олади.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро жамоатчиликка, жумладан, барча халқаро ва ноҳукумат ташкилотларга мурожаат қилиб, 1999 йилда Афғонистонга ёрдам дастурини амалга ошириш учун 115 мил-

лион АҚШ доллари тўплашга чақирди.

• Америкалик сайёх Фосет ҳамда британиялик тадбиркор Ричард Грэнсон ҳаво шарида дунё бўйлаб тўхтовсиз саёҳат қилишда янги ҳажон рекордини ўрнатишга уринишмоқда. Улар ўз сайёҳатларини Марокашдан бошладилар. Режага кўра сайёҳлар 20 та давлат орқали учиб-ўтиш ниятидандилар.

• Таиландда соч ўстириш бўйича жаҳон рекорди ўрнатилди. 59 йил давомида сочини ўстириб келган таиландлик фуқаро сочининг узунлиги 5,5 метрга етган.

• Биринчи қақриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 24 декабрь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залида очилди.

• Спортнинг 23 тури бўйича XIII Осиё ўйинлари мусобақасида катнашган Ўзбекистон делегацияси 42 мамлакатдан келган спортчилар билан беллашувда энг кучли ўнлик қаторидан жой олди. Спортчиларимиз бта олтин, 22та кумуш ва 12та бронза медали — жами 40та медаль олишга муваффақ бўлишди.

• Ўзбекистон Бадий академия-

Яқинда бўлиб ўтган метрологлар семинар кенгаши соҳамизнинг етакчи мутахассисларига бу йўналишда эришилган ютуқлар ҳақида тўлиқ ахборотлар берди. Айниқса Москва, Санкт-Петербург, Киев шаҳарлари ва бошқа давлатлардан қатнашган бош мутахассисларнинг шу муаммоларга тааллуқли тажрибаси диққатга сазовордир.

Эски тушунчаларга қараганда метрология фани улчов бирликларини танлаш, уларнинг этилоларини ҳамда айиқ улчаш усулларини яратиш масалалари билан шугулланувчи фан эди. Хозирги кунда эса бу масалаларга яна стандартлаштириш, сертификатлаштириш, метрология таминоти, метрологик хизмат курсатиш, метрология меъерий базаси, алоқа тармоғини метрологик назорати ва бошқаруви каби масалалар қўшилиб бормоқда. Алоқа тармоғидаги улчов асбоблари эскириб бораётган бир пайтда янги рақамли тизимларни ишга тушириш, назорат этиш, тармоқ ҳодимлари фаоллигини бошқариш учун рақамли улчов асбоблари етарли даражада эмаслиги еки баъзиларининг умуман йўқлиги маълумдир. Бу улчов тизимларини асосан чет эл фирмаларидан сотиб

ТАРМОҚНИНГ МЕТРОЛОГИЯ НАЗОРАТИ

олиниши масалани бирмунча мураккаблаштирилади, чунки улар алоқа тармоғининг нархнини сал кам 10-20 фоизгача орттириши мумкин.

Зикр этилган масалалар агентлик куламинда бош метролог ва унинг ердამчилардан иборат бўлиниши вазирасига киради. Вилоятлар ва туманлар алоқа тармоқлари буйича бу муаммолар қай даражада ва қай йўсинда ҳал этилмоқда? Агар жойлардаги метрология хизмати низоми ишлаб чиқилса, улар фойдаланадиган улчов асбоблари таркиби тасдиқланса, бу вазирада ҳар босқичда ишлайдиган ҳодимлар таркиби белгиланса, уларнинг малакасини мунтазам орттириш эҳтиёжи туғилади. Бунинг учун ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқиш, уларни ўқитиш наҳияси буйича аттестациялаш ва фаолият доирасига доир дастурини тасдиқлаб бериш керак бўлади. Бундай жараён шартномадар асосида олиб борилиши мумкин. Лекин бу муаммо кенг куламда тайёрларлик қиришни талаб этади.

Телекоммуникациядаги метрология вазибаларини бажариш маълум доирадаги меъерий ҳужжатлар тизими асосида ташкил этилмоғи шарт. Россия Федерациясида чиқарилаётган асосий ҳужжатлар бошқа МДХ давлатларида ҳам керакли тизимга оидлари тағбиқ этилиши мумкин. Бунда алоқа вазибалари икки томонлама узаро ҳужжатлар айрибошлашга оид ке-

лишув битимлари тузишлари шарт. Бундай битимлар сертификатлаш ва стандартлаш жараёнларини илочи борица соддалаштиришга ва осонлаштиришга олиб келади. Республика алоқа тармоғи умумжаҳон тармоғига қўшилган бўлар экан, халқаро ва Европа давлатлари сертификатлашнинг тан олиши, бу меъерларга асосан сертификатлашга эга фирмалар тизимлари сифатини кузатиб бориш керак бўлади, чунки бу мақсулотларни қайта сертификатлаш этишга бизларда ҳали етарли асбоб-ускуна ҳам йўқ.

Мақсулот сертификатлашнинг сифатини сертификат ҳужжати билан маълум талабларга жараён берилиши тасдиқлаш жараёнидир. Бундай ҳужжат берувчи илора мақсулот сифатининг маълум даражадалигини қаноқлатлайди. Сертификация истеъмолчини нопок ва инсофсиз ишлаб чиқарувчидан, соғувчидан муҳофаза этади.

Алоқа хизматини сертификатлаштириш — ута мапаккатли ва қимматбаҳо сифат назоратининг бири ҳисобланади. Сертификациялашнинг асосий мақсадларидан яна бири узатилаётган ахборотлар хавфсизлигини таъминлашдир. Хорижий техника тизимлари бу асосий талабга жавоб бермас, алоқа тармоғининг етакчи йўналишларида сертификатлашнинг қолган талаблари теқширилмас ҳам бўлади: бундай тизимларга алоқа тармоқларида ўрин бўлмастлиги шарт.

Ўтказилган семинарда меҳмонларнинг маърузалари ҳамда илмий марказ бўлим бошлиқларининг ҳисоботлари тинланди. Маърузаларда жойлардаги улчов асбобларининг содданлиги теқшириувдан утиши кераклиги таъкидланди, чунки кушларининг меъерий ишлаш муддатлари тууган ва шу боис улар Уздавлатстандарт бўлиналари орқали теқширила бошланиши лозим. Балки соҳавий ихтисослаштирилган уч-туртта тажрибахоналар ташкил этиб, уларга бу вазифа юклатилгани маълумдир. Рақамли оптик тизимлар ҳамда уларнинг алоқа линияларини теқшириш ва улчовлар олиб бориш учун ишлатиладиган асбоблар жууда ҳам қимматбаҳо бўлгани сабабли республика буйича тажрибахоналарда кучма улчов тизимини ташкил этиб, улчашга тааллуқли ҳамма ишларни бажара олиш мумкин бўлади.

Умуман олганда ривожланган давлатлар алоқа тармоғига қўланилган ТМН тизими тармоқ шохобчалари ва элементлари ҳолатига тааллуқли назорат ахбороти йиғиб, уни самарали бошқаришга оид хулосалар чиқарилади. Ҳамма тармоқ шохобчаларида улчаш асбоблари ўрнатилиб, улардан олинган маълумотлар эса бошқарув ва назорат марказига юборилади. Бу маълумотлар йиғилиб борган сари тармоқнинг ҳолатига оид ҳамма ахборот Маълумотлар базасида тартибга солиниб, қайта ишлаб чиқилади. Бундай таҳлиллар нати-

жасида тармоқнинг ҳар бир йўналишидаги канал ва трактларнинг реал ҳолатини баҳолаш, бузилиш олдига турган тармоқ бўлақларининг ишлаш олиш қобилиятини таҳлил қилиш ҳамда келажакдаги ҳолатларини олиндин айта билиш каби муаммоларни ҳал этиш мумкин. Шу сабабли яқин келажакда халқаро стандартларга мос келадиган телекоммуникация тармоғининг бошқарув тизимини яратиш, уни тегишли улчов асбоблари билан жиҳозлашимиз шарт.

ТМН стандартлари ва протоколларини ўрганиш, уни соҳа куламинда тағбиқ этиш, керакли улчов асбоблари тизимини ташкил этиш, алоқа тармоғининг назорат тизимини тузиш ва олинган ахборотларни марказ куламинда таҳлил этиш учун институт қошида ихтисослаштирилган илмий-теқшириш тажрибахонаси ташкил этилиши лозим. Унда алоқа тармоғидаги носозликлар таъхиси ва уларнинг келажак ҳолатини олиндин баҳолаш имкониятлари пайдо бўлади.

Бир сўз билан айтганда, метрологлар семинар-кенгаши соҳамизнинг долзарб муаммоларидан бирини мутахассислар муҳокамасига уз вақтида қўйди. Зеро, соҳанинг аҳолига қурсатаётган хизматлари сифатини имконият борица ошириш олдимиздаги энг катта вазибалар.

Мажидулла ОРИПОВ,
Тошкент электротехника
Алоқа институтининг
проректори, профессор



Любовь Петровна ПОДЧИБЯКИНА пойтахтимиздаги 52-почта алоқа бўлимида 16 йилдан буён сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ХИЗМАТ — БЕМИННАТ БЎЛСА...

1. Алоқа хизмати сизни қониқтирадими?
 2. Алоқа соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ қандай тақлиф ва мулоҳазаларингиз бор?
- Мирзоҳид ОРТИҚОВ** — «Ал-Арзу» фирмаси ходими:

1. Алоқа хизматидан бир томонлама қониқиш ҳосил қиламан. Алоқачилар қўлларидан келганича мижозлар талабини бажаришга ҳаракат қилишяпти. Лекин почта хизматида тезкорлик етишмайди. Масалан, Андижонга хат жўнатсам, бир ҳафта ёки ўн кунсиз етиб борганини билмайман. Кўпгина шаҳарлараро ҳамда халқаро телефон хизмати кўрсатиш бўлимида ҳалигача давлат тилига эътибор сўст. Сўзлашув масканларига борсам, доимо рус тилида муросаат қилишга тўғри келади.

2. Кейинги пайтларда Ўз-

бекистонга хорижнинг кўплаб замонавий технологиялари олиб келинапти. Лекин алоқа соҳасини жаҳон талаблари даражасига кўтариш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим. Кўпгина қишлоқ жойларига телефон хизмати етиб борган эмас. Етиб борган жойларда ҳам сифатли хизмат кўрсатилмайди. Тақлифим — Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларига ҳам жаҳон андозарига мос АТСларни олиб бориш керак. Хуллас, алоқа хизмати кўнгилдагидек бўлсин.

Ғайратбек ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳри

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

Ҳозир туманимиз буйича тўрт минг телефон ҳамда яна шунча радионукталар ишлаб турибди. Булар орқали тезкор хабарлар тингловчиларга етказилмоқда ва одамлар ҳаво мавжларида янграётган куй-қушқлардан маънавий озуқа олмоқдалар. Ана шу беминнат хизматларни 50 кишилик аҳил жамоамиз амалга оширяпти.

Телефон хизматининг ҳаётда қай даражада ўрин эгаллашини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак. Айниқса, ҳозирги мустақиллик шароитида алоқа хизматида эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни қондиришда жамоамиз ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз. Қиш мавсумида бизнинг ишларимиз мураккаб-

лашади. Алоқа воситаларининг сифатли ишлаб туришини таъминлаш мақсадида қишки мавсумга ҳар йилгидек пухта ҳозирлик кўрилади. Ўзимизда мавжуд бўлган магистрал кабеллар, алоқа ускуналари ва қудуклардан кўриқдан ўтказдик ҳамда таъмирладик. Телефон станциялари жойлашган бинолардаги иситиш манбалари тўла ишлаб турибди.

Биз жорий йилни меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунламоқдамиз. Келгусида аҳолига алоқа хизмати кўрсатишни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш ниятимиз бор.

Азамат САТТОРОВ,
«Сурхондарё Телеком»
шўъба корхонасининг
Шеробот филиали
раҳбари

«Жиззах Телеком» шўъба корхонаси жамоаси ва бирлашган касаба уюшмаси корхонанинг Жиззах шаҳар филиали радио боғламаси меҳнат фахрийси

Дмитрий СВИЧКАРЕНКОнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Кубай бобо болалиқдан ногирон туниги Ортиқни бирон енгил иш билан шугулланишини истарди. Еттинчи синфни битирган Ортиқ бир неча йил бекор юрди. Отаси жамоа ҳужаги раҳбарларига бир неча бор учрашиб, углини ишга жойлаштиришни сўради. Улар ердам беришга ваъда беришди. Ва шундай бўлди ҳам.

1957 йили туман почта бўлими янги шохобчалар ҳисобига кенгайди. Ана шу имконият туфайли Ортиқ Кубаев совиқ «Племсовхоз» алоқа бўлимига олийдй почтачилликка ишга қабул қилинди.

У 14 йил почтачилликда фидолилик кўрсатиб ишлади. Кўпчилик унинг ҳолисона хизматларини ҳади-ҳануз ифтихор билан тила олишайди. Ортиқнинг меҳнатсеварлиги боис туман алоқа бўлими раҳбарлари назарига тушди. У 1971 йили «Буркут» алоқа бўлимига бошлиқ этиб таъинланди.

Жонқуяр алоқачи маъжур бўлимига 24 йил етакчилик қилди.

• Фахрийлар — фахримиз

ҲАМОН ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

Бу айтишга осон. О. Кубаев бе-нуҳсон хизматлари туфайли нафақат мижозлар, балки Самарқанд вилояти, Челябин тумани почта алоқа корхонаси жамоасининг ҳам ҳурматини қозонди.

— У тизимимизда энг кўп ишлаган алоқачилардан, — дейди корхона бошлиғи Зубайдулла Иброҳимов. — Шунча йилдан бери у ҳақда арз-ниҳоят эшитманамиз.

Ҳа, унинг меҳнатидан элу юрт рози. Иккинчи тўғуш ногирони О. Кубаев 60 еш осонасига оёқ қўйса ҳам ҳамон почтачиллик қилипти. Қирк икки йилдан бери бу олдй, аммо шарафли касбни эъзозлаб келяпти. Ана шу даврда ундан ортиқ ешларни уз касбига қизиктирди. И. Хайитов (раҳматли), С. Очлов, Қ. Тошбоев, З. Усмонов ва Т. Ҳамидовлар унинг ишонган шоғирларидан.

Излаган имкон топади, деганларидай, иқтисодий синов даври-

да ҳам аҳоли кунлига йул топиб, газета-журналларга обуна режасини муваффақиятли бажаряпти.

Алоқа хизмати аълочиси даврда дилкаш инсон, оилада меҳрибон ота. Хонадон бекаси Тошнйез она билан 35 йилдирки, бахтли яшапди. Бир-биридан суюкли 6 фарзанди ота-она, 10 га яқин набарига бува ва буви. Болаларини ҳам узлари каби эл-юрт фидоилари этиб тарбиялашган. Буvsара ва Зилола ўқитувчи, Эркин ва Тулқин мўхосиб ва шифокор.

Баъзилар узоқ йиллар ипласа «Илдан зада бўлиди» дея нолиб қолинапти. Аммо туман алоқачилар фахрийси «Куч-қувватим бор экан, халққа хизмат қилавераман» лемоқда. Бу унинг касбига садоқатидан далолат беради.

Эргаш САТТОРОВ,
Самарқанд вилояти

Бу гаройиб воқеани менга «Суқоқ» дам олиш уйининг директори, шоир, ажойиб инсон Ориф ОДИЛХОНОВ ҳикоя қилиб берган эди.

• Турмуш чорраҳаларида

ТУНГИ МЕҲМОН

Кунлардан бир кун Ориф ака хайдовчиси билан иш юзасидан сафарга жунайдди. Ногоҳин йўлда машинадан ишқал чиқиб, ноилж тўхтаб қолишди. Хайдовчи уввадо уринмасин, ҳа деганда машинани тузатолмайди. Ориф ака эрикиби, атрофга аланглайди. Оқшом чуқиб, олисларда чироклар мўлтиллайди. Паст-баъдан адирилмакдиги ҳонадонларда итлар воуллайди.

Ориф ака «Ҳарқалай, олдинда чироклар бор-ку!» дея шошимай овул томонга юради. Маҳаллаларни ораб бораётганида бир ҳонадонга одамлар кириб кетаётганини куриб қолади-ю, кунлиги бир шумлиқни тутиб индамай уларга эргашади. Қотмалдан келган, хушрўйгина еш ҳонадон соҳиби қора чарм куртқа кийган, басавлат, улдуғифат Ориф акани ҳам азиз меҳмонлар қатори «Келинг, келинг!» дея қўлини кўксига қуйиб кутиб олади. Ичкарида утирган меҳмонлар ҳам Ориф аканинг салобатидан сертак тортишиб, беихтиёр уришларидан қузғалишади. Янги меҳмонни зур иззат-хурмат ила энг турга утқизишади.

Табиатан сузамол, дилкан одам булган Ориф ака нотаниш давралда заррача тортирмай, роса утиришни қизитиши, қизик-қизик хангомамардан гапириб, ҳам-мани қулдиради. Зиефат ҳам қуюк бўлади. Меҳзон эса «Бу ажойиб инсон ким будди экан?» Қайси меҳмонга эргашиб келди экан?» дея ҳайратланиб, унинг рухий ҳолатини сезиб утирган Ориф ака эса сир бой бермай, турунгни қизитар эди.

Ниҳоят, вақт алламаҳал бул-

ганда меҳмонлар хайр-хушланиб, гарқай бошлашади. Ташқарига чиққан Ориф ака меҳзон сннда туриб, «Келиб туринг, хайр, яхши боринг!» дея меҳмонлар билан хайрлашаверали. Хонадон соҳиби бундан багтар таажжубланади: ажабо, ким будди экан бу инсон? Уздан сураш ноқулай, албага.

Ахйри икковлон елгиз қолишади. Ҳазилкаш, чапанисифат Ориф ака меҳзонга кулимсираб тикилганга тураверали.

— Қани меҳмон, ичкарига кирайлик, — дейди меҳзон кули билан уйга ишора қилиб.

— Ҳай майли, қуймадингиз-қуймадингиз-да, кирсақ кириверамиз! — Ориф ака дилиб ичкарига қалам ташлайди.

Дастурхон бир зумда яна қайтадан янгиланади.

Меҳзон узун-қисқа, оқ-қизил шишаларга ишора қилиб, суради.

— Хўп, меҳмон, етар оёқ қиламизми энди?

— Мана бу гапингиз — угил бола гап булли.

Иковлон яна анча вақтгача улфатчилик қилишади. Ориф ака ушанда еб туймайдиған, ишлаб чарчамайдиған, бақувват, паҳлавон йитиг эди. Ухлаш олдидан меҳзонга тортинмай яна тошпирик берали:

— Келинга айтинг, етти қават курпалардан тушаб, жойни шохон солсин.

— Хўп ака!

— Эрталабки нонуштага аччиқ мастава билан «яримта» булсин!

— Хўп ака.

Меҳзон қуш қўлини кўксига қуйиб, чуқур тавозе ила таъзим қилади. Тунги меҳмон эса кулиб

юбормаслик учун зурга узини тийиб утирарди.

Ориф ака алламаҳалгача ухлай олмайди. Беихтиёр бугунги кутилмаган учрашув — таассуротлар нашъа қилиб, узича кулимсирайди: «Хўп ажойиб, бағри кенг халқимиз бор-да! Умрида курмаган, етти ет бегонани худди уз тутишганидек эъозлаб, сийлайди. Ажабо. Лоқал бир оғиз «Сураганинг айби йўқ, меҳмон, узлари ким булалдилар?» демади-я. Шу қадар андишали, олобли, саховатли халқимиз-да...».

Келишилганидек, эрталаб нонуштада мастава билан «яримта»ни отиб, янада дилиллашиб қолган Ориф ака меҳзонга андак ажабсиниб тикилади. Сўнг уни ҳадли сиғиб, қойиғандек дейди:

— Энди, гап бундоқ, оғайни: Сурамасангиз ҳам айтай — мен Ориф акаман! «Суқоқ»да дам олиш уйида ишлаймам. Кечаги меҳмонларингиз билан тушланишиб, биз томонларга ҳам бир боринглар. Узим яхшилаб қўлиб олмаман. Мана, туз-намак булдиқ, энди оливайи борди-келди қилайлик, ака-ука булиб юрайлик. Бу дунда инсон инсонга ганимат!


— Ҳақ гапни айтдингиз, ака!

— Меҳмондорчилик учун Сизга, уй бекасита қатта раҳмат! Келинг, битта ачомлашиб, хайрлашиб қўяйлик.

Меҳзон Ориф аканинг кенг, қатта қучоғида йўқ булиб кетади.

Ана уша тунги воқеа сабаб — бу хонадон билан Ориф ака бир умр қадрон булиб қолади.

Шодмон ОТАБЕК



Бир уртамеъна шоир Абдурахмон Жомийга шеърини уқиб бериб:

— Шухрат қозониш учун шу шеъримни шаҳар дарвозасига осиб қуймоқчиман, жанобларни нима дейдилар? — деса, Жомий:

— Жуда яхши, унда бу шеърнинг ёнига узингни ҳам осиб қуйиш керак, бўлмаса одамлар бу шеър сеники эканлигини қайқанд билишади? — дебди.

Бир нуоқ шоир Абдурахмон Жомийга:

— Шу кеча Хати Хизрни туш курдим, муборак тупуқларини оғзимга суриб кетдилар, — деса, Жомий:

— Янглишибсан, Хати Хизр

• МЕРОС

Фахриддин Али САФИЙ

ДИЛКУШО ҲИКОЯТЛАР

сенинг афту башарангга тупурган, сен оғзини очиб етганинг учун тупуги оғзингга тушган, — дебди.

Амир Тему́р Форс вилотини забт этгандан кейин Шерозга келади. Ҳофиз Шерозийни уз хузурига чақиртиради. Амир Тему́рга яқин шахслардан бири дарров Ҳофизни топиб келади. Ҳофиз юпун кийим кийиб, факриона ҳаёт кечириб юрган экан. Амир Тему́р шоирга разм солиб:

— Эй Ҳофиз, мен Бухоро би-

лан Самарқандни обод қилиш мақсадида қилич кутариб юрибману сен бу иккала шаҳарни битта хинду холига бағишлаб:

Агар кунглимини банд этса ушал Шероз жонони

Хинду холига бахш этгум Самарқанду Бухорони, — деб шеър вэсанми? — деса, Ҳофиз:

— Султоним, сахийлигим тугайли, шу аҳволга тушиб юрибман-да! — дебди.

Шунда Амир Тему́р ушбу жавобдан таъсирланиб, унга совға-саломлар берибди.

ВАФО ҚИЛМОҚ МАРДНИНГ ИШИ

Ҳар кимки вафо қилса вафо топгусидир,
Ҳар кимки жафо қилса жафо топгусидир.

БОБУР

Кишиким ваъдае қилса бировга,
Етурса ваъдасин поёна яхши.

КАМИЙ

Кишиким йўқтурур меҳру вафоси,
Агар хуршеддур андин не ҳосил?

ЛУТФИЙ

Номард кимдир, билар бўлсанг,
Не айтмасанг, дер: «бош устига»!
Уни синаб кўрар бўлсанг,
Ҳеч топилмас иш устида.

МАХТУМҚУЛИ

Ким қилди қатигликда вафодош сенга,
Ул бўлди ҳабиблар ичра қўлдош сенга.

Алишер НАВОЙИ

Дунёда ҳам машаққат, азоб тортмайин десанг,
Аҳдингда тур, сўзингни ботирма захар аро.

Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

Вафо қилган кишиларга вафо қил.

ХОРАЗМИЙ

Ваъдада турмоқлик — мардлик белгиси

Ўзбек мақоли

«Тарих энциклопедияси»нинг ёзишча, сўяқдан ясалган тешикли игна бизнинг мамлакатда ўн тўққиз минг йил аввал, яъни охириги палеолит давридан бери мавжуд. Европалик археологлар эраимизгача бўлган биринчи минг йилликда ишлатилган игна ва ангишвоналарни топилган. Улар ўзининг нозиклиги ва ишлатиш учун қулайлиги билан ҳозирги игналардан асло қолишмайди.

XIV асрда симни тортиш кашф этилганда игна ясаш инқилоби содир бўлди. Узок вақт бу товарни Европада Германия ва Испания етказиб турди. Лекин 1650 йилдан бош-

• Бу — қизик

ИГНАНИНГ ТАРИХИ

лаб бу монополия англияликлар қўлига ўтди. Чунки улар игна чиқариш учун махсус станоклар яратилган эди.

Игна ясаш тарихи Россияда Пётр I давридан бошланади. Унинг буйруғи билан 1717 йилдан бошлаб ака-ука савдогарлар Рюмин ва Сидор Томилин Прона дарёси бўйидаги Столбци ва Коленци қишлоқларида иккита игна фабрикаси қуришди.

Пётр II нинг рафиқаси айнаан шу игналардан фойдаланиб, ўт-

тиз йил ҳар хил монастырларда ва Шлисесльбург калвасида қамалиб ётган даврида каштадўзлик хунарини ўрганган. Бу ҳақда у набираси Пётр II га ўзининг овоз қилиниши муносабати билан тикилган лента ва юлдузин узата туриб: «Мен гуноҳдор банда ўз қўлларим билан тикканман» дейди...

Ҳозирги кунда игнасиз хонадон йўқ. Шунинг учун унинг тарихини ҳам билиб қўйсақ, чакки бўлмас...

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖўРАБОВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОҶОНОВ
(Масъул котиб)
Миррўзлут МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриўай АҲМЕДОВ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ

Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № 6-0634. 8245 нусхада чоп этилди.

Ўқсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топширилди вақти — 21.00

1 2 3 4 5 6

